

ҲАРБИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ЎРГАТИШДА ЁРДАМЧИ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Наргиза Ширинова Джабаровна
ЎзРЖХУ доценти, п.ф.н.

АННОТАЦИЯ

Мақола ҳарбий олий таълим муассасалари курсантларини инглиз тилига ўргатишда ёрдамчи воситалардан фойдаланиш усулларига багишиланган. Ҳарбий олий таълим муассасалари курсантларини инглиз тилига ўргатишда ёрдамчи воситаларнинг аҳамияти кўрсатилиб, улардан фойдаланиш бўйича ўқув-топшириқлари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган замонавий ўқув-топшириқлари курсантларнинг билиш фаоллигини оширишига хизмат қиласди.

Таянч сўзлар: ёрдамчи ўқув воситалари, замонавий воситалар, тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар.

THE METHODS OF USING AUXILIARY MEANS IN THE PROCESS OF TEACHING ENGLISH IN HIGHER MILITARY EDUCATION

ABSTRACT

Article deals with the methods of using teaching means in higher military education. There was indicated the importance of teaching means in the process of teaching cadets in higher education and worked out the exercises directed to the use of teaching means. Given educational games can serve for developing of cognitive activity of cadets.

Key words: auxiliary teaching means, modern means of teaching, handouts, demonstrative tools.

КИРИШ

Мамлакатимизда ҳарбий соҳада таҳсил олаётган йигит-қизлар учун кенг имкониятлар яратилаётган бир пайтда, уларнинг қизиқишлиари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши, чукурлаштирилган тарзда ўқитилишини таъминлаш асосий вазифамиздир.

Бўлажак ҳимоячиларимизни ҳам таълимий, ҳам тарбиявий жиҳатдан ривожлантириш, уларни Ватанга меҳр-садоқат, эзгулик ва тўғриликка ўргатиш муаллимдан катта масъулият талаб этади. Айни пайтда, чет эл тилларини ўрганишга иштиёқи баланд бўлган курсантларнинг чуқур билимга эга бўлишлари ва эркин фикр юритиш малакаларини таъминлаш ишига астойдил

киришишимиз зарур. Шунинг учун ўқитишининг усул ва воситаларидан унумли фойдалана олишимиз зарур.


МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Чет тил ўқитиши мазмуни курсантларнинг ёш, ўзлаштириш ва касбий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда танланади, тақсимланади, таснифланади ва ўрганиш учун тақдим этилади. Танлаш, таснифлаш, тақсимлаш ва тақдим этиш босқичлари муайян методик мезонлар ёрдамида амалга оширилади. Ушбу мезонлар ўқитишининг асосий воситаларида, яъни ўқув дастурлари ва дарсликларда ўз аксини топади. Шунингдек, ўқитишининг ёрдамчи воситалари ҳам таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ёрдамчи воситалардан бири *қуроллар* курсантларнинг билиш фаоллигини оширишда асосий ўрин тутади. Улардан тил материалиининг тақдимоти босқичидан то нутқ малакаларини назорат қилишгача фойдаланиш мумкин. Улар нутқ вазиятини яратишга ёрдам беради. Чоп этилган ҳамда курсантлар ўзлари чизган расмлар ҳам тавсия этилади. Масалан: «*Weapons and equipment*» мавзусини ўтаётганда қуидаги расмлардан фойдаланиш мумкин.

Label the pictures. Use these words.

antenna compass map pistol radio rifle



Тарқатма материал. Ўқитувчи расмлар ва карточкаларни курсантларга тарқатиб, тил материалини мустаҳкамлаш, нутқий кўникма ва малакаларни ўстириш, уларни назорат қилишда ундан фойдаланади. Масалан, «*Weapons and*

equiipment» мавзуси юзасидан “some”, “any” грамматик мавзусини мустаҳкамлашга мўлжалланган қуидаги мисоллардан иборат карточкалардан фойдаланса бўлади.

Complete the following sentences by using some or any.

1. Do you use in weapons training?
2. We have in map reading.
3. There are in communications training.
4. There are not in first aid training.
5. Are there in NBC training?

Ушбу машқ орқали курсантларнинг грамматик кўникмасини шакллантиришга эришиш мумкин. Бизга маълумки, инглиз тилида оғзаки ва ёзма нутқ юритишида грамматик материални ўзлаштирганлик даражаси асосий ўрин тутади. Шунинг учун, мавзуларни ўрганиш жараёнида грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириб бориш зарур.

Шунингдек, лексик кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси нутқда ўз ифодасини топади. Сўз бойлигини ошириш жараёнида турли ўйин-топшириқлар ва мусобақалардан фойдаланилса, курсантларнинг материални зўр қизиқиши билан ўзлаштирилишига эришилади. Карточкаларда ўз аксини топган кроссвордлар ҳам курсантларнинг берилган мавзу бўйича янги сўзларни эслаб қолиши ва ёзма нутқда ҳам улардан тўғри фойдаланишда муҳим ўрин тутади.

**10 minutes crossword. This crossword contains words that you have seen.
Complete as much of the crossword as you can in 10 minutes to see how many of
the words you can remember[1].**


Across

1. A device for finding direction
2. A type of gun with a long barrel
5. An equipment used for listening
6. A drawing of the Earth's surface

Down

3. A small gun
4. A device that sends and receives television or radio signals

3



Юқорида келтирилган кроссвордни бажариш орқали курсантларнинг тил материалидан бири ҳисобланган лексикани мустаҳкамлаш амалга оширилади. Ўқитувчи кроссвордни тарқатма сифатида курсантларга тарқатиб чиқади. Курсантлар уни бажариш жараёнида сўзларни эслаш, уларни ёзиш услубини ўрганиш ва узоқ хотираларида сақлаш имкониятига эга бўлишади.

Шунингдек, лексикани мустаҳкамлаш жараёнида қуйидаги машқлар сўзларни мазмун жиҳатдан гурухларга бўлиш, уларни нутқда тўғри ифодалаш имкониятини яратади. Ушбу машқни ҳам ўқитувчи тарқатма материал сифатида карточкаларда тақдим этиши мумкин.

Look at the groups of words below. In each group, three of words belong to the same subject area but there is one word that doesn't belong. Put the circle around the word that is the odd one out.

A	B	C	D
compass	pistol	rifle	gun
compass	map	radio	rifle
compass	map	pen	radio
radio	antenna	plane	headset

Чет тил таълимида компьютер имкониятларидан бири бўлган “Smartboard(Ақлли доска)”ларда турли хил қизиқарли видео ва кинолавҳаларни ҳам намойиш этиш афзалликларга эга. Улар, биринчидан, таълим жараёнини жадаллаштиради, иккинчидан, ўқув материалыни ўзлаштиришни

осонлаштиради, учинчидан, муаллимнинг таълим жараёнини бошқаришига кўмак беради. Бундай доскаларда ўқитувчи тақдимотлардан ҳам фойдаланса дарсларнинг сифатини оширишга хизмат қиласди. Масалан, “Military trainings” мавзуси бўйича қуидаги слайдлардан фойдаланса бўлади.



Ушбу турдаги расмли слайдлар ҳарбий тайёргарликларни инглиз тилида ифодалаш, яъни ҳарбий терминлар бўйича ишлашга хизмат қиласди. Уларни экранда кўрсатиш орқали, дарс жараёнида кўргазмалилик таъминланади. Бундан ташқари, дарснинг қуи босқичида нутқ кўникмалари, яъни гапириш ва ёзув кўникма ва малакаларини шакллантиришда ушбу слайдлардан фойдаланса бўлади. Масалан, “Speak about your weapons training”, “Describe your obstacle course” каби топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

Биламизки, чет тил таълимининг юқори босқичида, хусусан ҳарбий йўналишларда ҳарбий техника, ҳарбий хориж тажрибаси каби характердаги матнлардан фойдаланилади. Компьютер дастури DOS операцион тизими бошқарувида эса кўплаб матн ва топшириқлар мавжуд. Матн ва бошқа топшириқларни “Smartboard”лардан фойдаланган ҳолда ўзлаштириш кенг имкониятлар яратади. Масалан, аудио, видеоматериал ва презентациялардан фойдаланиш орқали курсантларнинг берилган материални осон ўзлаштиришларига эришиш мумкин. Курсантлар матн мазмуни билан танишганларидан сўнг “Smartboard”да матн устида ишлашнинг қуидаги босқичларига ўтишади.

- матндан керакли маълумотларни қидириш;
- матннинг тушунгандик даражасини текшириш;
- тест ва бошқа лексик-грамматик топшириқлар;
- аудиоматериалдан фойдаланиб тинглаб тушуниш кўникмасини текширишга мўлжалланган машқларни бажариш;
- видеоматериалдан фойдаланиб матн бўйича гапириш ва ёзув кўникмасини шакллантиришга мўлжалланган машқларни бажариш;

- презентациялардан фойдаланиб матн билан ишлаш жараёнида тил материалы ва нутқ фаолияти турларини ривожлантиришга доир машқларни бажариш.

Курсантлар томонидан бажарилган топшириқлар натижаси мониторда кўрсатилади ва уларнинг билими баҳоланади. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ўкув жараёнида курсант фаол иштирокчига айланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, дарс жараёнида курсантларнинг фаоллиги оширилганда гина ижобий натижаларга эришиш мумкин[2]. Масалан, “A career in the military” мавзуси бўйича ўқиш ва грамматик кўникмасини текшириш мақсадида қўйидаги машқлардан фойдаланса бўлади.

Switch on the task. Put the questions in correct order.

1. did| serve|in the army|your |son|? *Did your son serve in the army?*
2. graduate|from|Noila|last|from|did|the|college|year?
When did you graduate from Noila college?
3. did|last|on|cadets|play|football|Sunday?
When did the cadets play football last Sunday?
4. join|last|the|army|did|Akbar|month?
When did Akbar join the army?
5. did|your|have|you|PT|yesterday?
When did you have PT yesterday?

Шунингдек, гапириш ва ёзув кўникмасини шакллантириш мақсадида қўйидаги машқ ҳам муҳим ўрин тутади.

Switch on the task. Complete the conversation. Use these words.

enter graduate(2) join(2) serve promote did(2)

A When *did* you enter the military institute?

B I _____ the institute in 2019.

A _____ you _____ the army before?

B Yes, I _____. I _____ the army in 2016.

A Oh great! Where _____ you _____?

B In Tashkent.

A What about your brother? _____ he _____ from military institute?

B Yes, he _____. He _____ a year ago. He _____ to lieutenant.

Ушбу турдаги доскалар ўкув материалини овозли тарзда тақдим этиш қобилиятига эга, яъни “виртуал ўқитувчи” вазифасини ўтайди. Курсант сўз ва гапларнинг соф инглиз тилидаги талаффузини тинглайди, ўзининг нутқини унга мослаштиришга ҳаракат қиласди. Сўз бойлигини ошириш курсантлар олдида турган муаммолардан биридир. Буни ижобий ҳал қилишда электрон луғатларнинг роли беқиёсdir.

Электрон луғатлар босма луғатларга қараганда күп афзалликларга эга, албатта. Уларнинг қидириш тезлиги жуда катта бўлиб, фаннинг турли соҳаларига мос, шунингдек, ҳарбий соҳага оид луғатларни ўз ичига олади ва маълумот олиш учун қулайдир[3].

Электрон луғатлар пайдо бўлиши билан, тор мутахассисликларга мос бўлган луғатларга ҳам эҳтиёж сезила бошланди. Курсантлар умумий луғатлар ёрдамида ҳарбий соҳага оид матнлардаги сўзларнинг ўзбек тилидаги аниқ эквивалентини топишда қийналишмоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, курсантлар матндаги ҳарбий соҳага оид терминларнинг асл маъносини аниқлашда тушунмовчиликларга дуч келишмоқда.

Электрон луғатда сўзлар график тимсоли орқали эмас, балки бевосита товушлар мажмуи сифатида таллафуз қилинади. Шунингдек, компьютерда ифодаланадиган расмлар ва мультимедиа воситалари сўзларнинг ўзлаштирилишини осон қиласи ва узоқ муддатли хотирада саклашга ёрдам беради. Бир пайтнинг ўзида лексика ва унинг талаффузи машқ қилинади. Шунингдек, келтириладиган расмлар ва ҳаракатланувчи дастурлар ўзлаштириш жараёнида енгилликлар яратади. Тил муҳитини яратиш имконияти пайдо бўлади. Кўпинча биз курсантлар нутқида учрайдиган жумлалар грамматик жиҳатдан тўғри тузилган бўлса ҳам, уларнинг “сохта мусиқа”га ўхшашининг гувоҳи бўламиз. Курсантлар ушбу турдаги луғатлардан фойдалаётганларида нафақат дикторларнинг нутқини тинглашлари, балки ўзларининг нутқларини ҳам таққослашлари мумкин. Бундан ташқари, компютерда бажарилаётган грамматик машқда хатолик юз берса, гапнинг ости чизилади ва курсант унинг тўғри вариантини топишга ҳаракат қиласи.

Идрок этилган материални амалга татбиқ этиш асосий вазифаларимиздан биридир. Курсантларнинг қўллаш малакасини ҳосил қилиш учун хизмат қиласидиган амалий топшириқлар компьютер дастурларида мавжуд бўлиб, фақатгина билимларни пухта ўзлаштирган курсантларгина бундай топшириқларни бажара олади. Улардаги илмий, бадиий ва соҳавий яъни ҳарбий соҳага оид матнлар нафақат курсантлар нутқини ўстириш, балки бошқа мамлакатлар ҳарбий тизими билан таништириш ва кўплаб маълумотларни етказишга хизмат қиласи. Келажак мутахассислар учун ёзув малакасини эгаллаш ҳам зарурдир. Ҳозирги кунда курсантлар гап тузиш ва уни таржима қилишда қийналишмоқда, айримлари эса гап ва ундаги сўз тартиблари ҳақидаги тушунчага эга бўлишса ҳам, инглиз тилида фикр юрита олишмайди. Бу эса амалиёт ва яна амалиётни талаб қиласи.

ХУЛОСА

Қувонарлиси шундаки, ҳозирги кунда инглиз тилини компьютер ёрдамида үргатиши “санъат” эмас, технологиядир. Шунинг учун, таълим сифатини ошириш, бунинг натижасида замонавий, ҳар томонлама ривожланган кадрларни тайёрлаш пайти келди, десак муболага бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, курсантларнинг билиш фаоллигини оширишда чет тил ўқитишининг асосий ва ёрдамчи воситалари тўғри танланиб, уларни амалда қўллаш методикаси билан ўқитувчи тўла қуроллантирилиши муҳим вазифаларимиздан биридир.

REFERENCES

1. Ширинова Н., Ширинова Н. English for Military. – Т.: JXU, 2020. – 100 б.
2. Закотнова П. В. Использование игр при обучении иностранному языку в вузе// Современные методы и технологии преподавания иностранных языков. Сборник научных статей. – Россия, Чувашский государственный педагогический университет имени И.Я. Яковлева, 2019. – С.88-92.
3. Щапова И.А. К вопросу об использовании электронных словарей в процессе обучения техническому переводу.–М.: МИРЭЛ, www.narod.ru., 3 с.
4. James Thomas. Focus on teaching.– Brno, Czechia, Versatile, 2018, P.-185.
5. James Thomas. The book of how to do things in ELT.– Brno, Czechia, Versatile, 2020, P.-257.